

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ИЛЁС МАХМУДОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(Фарғона вилояти мисолида)**

08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD) in
Economics Sciences**

Хасанов Илѐс Махмудович

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик
салоҳиятининг иқтисодий натижадорлигини ошириш (Фарғона вилояти
мисолида) 3

Хасанов Илѐс Махмудович

Повышение экономической результативности потенциала семейного
предпринимательства в условиях модернизации экономики (на примере
Ферганской области)..... 29

Khasanov Iljos Makhmudovich

Improvement of the economic performance of the potential of family
entrepreneurship in the conditions of economic modernization (on the example
of the Fergana region) 53

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 57

**НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.05.2020.I.66.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАСАНОВ ИЛЁС МАХМУДОВИЧ

**ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА
ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ НАТИЖАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ
(Фарғона вилояти мисолида)**

08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Iqt1535 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namnti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Ахмадали
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хонкелдиева Гўзал Шеровна
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Казаков Олим Сабинович
иктисодиёт фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот:

Наманган муҳандислик-қурилиш институти

Диссертация химояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.05.2020.1.66.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» ДЕКАБР соат 14-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институтининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (416 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160115, Наманган шаҳри, Косонсой кўчаси, 7-уй. Тел.: (0569) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «01» декабр кунини тарқатилди.
(2021 йил «01» декабр даги 6- рақамли реестр баённомаси).



Ш.Д.Саидбоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д.

Р.Б.Исмоялов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н.

Р.И.Исраилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Иқтисодиёт соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар асосида мамлакатда иқтисодий фаровонликни таъминлаш мақсади ётади. Глобаллашув шароитида иқтисодий фаровонликни таъминлаш мамлакатда мавжуд иқтисодий салоҳиятдан оқилона ва самарали фойдаланишни, тадбиркорлик фаолиятини жадал суръатларда ривожланишини ҳамда уларнинг натижадорлигини оширишни талаб қилмоқда. Америка Қўшма Штатлари, Германия, Франция, Япония, Корея, Хитой ва бошқа ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятини янада жадал суръатларда ривожлантириш ва у орқали иқтисодий фаровонликка эришиш таъминланмоқда. Тадбиркорликнинг муҳим шаклларида бири ҳисобланган оилавий тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Оилавий тадбиркорлик Европа Иттифоқи давлатларида ЯММнинг 67 % ни, Осиёнинг тараққий этган мамлакатларида 55-70 % ни, Лотин Америкаси мамлакатларида 60-70 % га яқинини, АҚШда эса 52 % дан кўпроқни ташкил этмоқда¹.

Жаҳон мамлакатларида оилавий тадбиркорлик салоҳиятининг иқтисодий натижадорлигини оширишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилган. Ривожланишнинг кейинги йилларида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатлари, кичик бизнес ва тадбиркорлик салоҳиятининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ривожланиши, мазкур соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш, уларнинг барқарорлигини таъминлаш, ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг бошқа шакллари билан ўзаро алоқаларини тартибга солиш каби масалаларга алоҳида ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлган фаолият сифатида кенгроқ эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги вақтда АҚШда 15 млн.дан ортиқ оилавий корхоналар фаолият олиб бормоқда. Англияда эса оилавий корхоналарнинг 16 фоизида тўртинчи даражада авлодлар алмашинуви кузатилмоқда. Таниқли оилавий корхоналар орасида Эстер Лаудер, Тоотсие Ролл, Анхеусер Бусч, Сарнивал Сруисе Линес, Форд Моторс ва Форбес каби компаниялар мавжуд бўлиб, улар ўз мамлакатлари иқтисодиётида муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, ишлаб чиқариш натижадорлигини ошириш ва бу асосда иқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, «...тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни давом эттириш мақсадида оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида келгуси йилда 6 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилади»². Бугунги кунда бу борада «соҳа ривожини учун мустаҳкам қонунчилик ва ҳуқуқий базани мунтазам такомиллаштириб бориш, оилавий тадбиркорлик

¹ Календжян С.О., Волков Д.А. Семейное предпринимательства: анализ российской практики.//Российский внешнеэкономический вестник. № 9,2011. С.17-20.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (2020 йил 29 декабрдаги) “Халқ сўзи”. 2020 йил 30 декабрь, №276 (7778).

учун имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда модернизация қилиш масалаларида давлат томонидан тизимли равишда ёрдам кўрсатиш»³ вазифалари белгиланган. Шунингдек, иқтисодиётнинг ривожланишини жадаллаштириш, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатларини ошириш, аҳолининг вақтинча иш билан таъминланмаган қисми учун иш жойларини яратиш, инновацион фаолият самарасини ошириш учун тадбиркорлик фаолиятини ва айниқса, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон «Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сон «Ҳар бир оила - тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги, 2019 йил 7 мартдаги ПҚ-4231-сон «Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятларга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодиёт ривожининг турли даражаларида ва даврларида тадбиркорлик фаолияти ҳамда унинг самарадорлигини ошириш масалалари бўйича кўплаб олимлар, тадқиқотчилар шуғулланганлар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатлари А.Смит, И.Шумпетер, Р.Кантильон, Ж.М.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Котлер, П.А.Самуэльсон⁴ каби таниқли хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. // www.lex.uz

⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016, – 1056 с.; Шумпетер И. Теория экономического развития. – М.: “Мысль”, 1982, С. 159.; Кантильон Р. Основы предпринимательской деятельности. М.: 1994, - 144 с.; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. – М.: Эксмо, 2007. С. 166–169 и 370.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – М.: 1991. – 220 с.; Котлер Ф.

Тадбиркорлик соҳасидаги долзарб масалалар МДХ иқтисодчи олимларидан А.О.Блинов, Л.И.Абалкин, М.М.Максимцев, В.Я.Горфинкель, Е.М.Купряков, В.С.Катькало, А.Ю.Панибратовларнинг⁵ илмий тадқиқот ишларида асослаб берилган ва ривожланиши бўйича самарали таклифлар ишлаб чиқилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик салоҳиятининг иқтисодий самарадорлиги ҳамда ривожланиши масалалари бўйича С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов, Қ.Муфтайдинов, М.Р.Болтабаев, У.В.Ғофуров, Ш.И.Мустафақулов, С.Н.Усмонов, А.Ғофуров, М.Абдурахмонова⁶ ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган.

Олиб борилган тадқиқотлар ва илмий изланишларнинг аҳамиятини эътиборга олиб, шуни таъкидлаш мумкинки, бугунги Янги Ўзбекистон шароитида иқтисодиётни модернизациялаш, иқтисодий ўзгаришларни инобатга олган ҳолда оилавий тадбиркорлик салоҳиятининг иқтисодий натижадорлиги масалалари тўлиқ ўрганилмаганлиги сабабли ушбу мавзу доирасида илмий-тадқиқот олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-2-026+(А-2-027) «Ўзбекистонда ўрта мулкдорлар қатламини кенгайтиришда тадбиркорлик салоҳиятидан фойдаланишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Янги Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик субъектлари

Основы маркетинга. Краткий курс. / Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2007. – 656 с. ил – Парал. тит. англ.; П.А. Самуэльсон, Вильям Д.Нордхаус. Экономика: Пер с англ. – М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. -800 с.: ил.

⁵ Блинов А. О. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. – 2-е изд. – М.: «Ось-89», 1998. – 336 с.; Абалкин Л.И. Проблемы современной России. – М.:2011, 39-49-с.; Максимцева М.М., Горфинкель В.Я. Менеджмент малого бизнеса: Учебник. – М.: Вузовский учебник, 2007. –269 с.; Горфинкель В.Я., Швандар В.А., Купряков Е.М. и др. Курс предпринимательства: Учебник для вузов. – М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997. – 439 с.; Катькало В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. – СПб.: Издат. дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006.– 290 с.

⁶ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош тахририяти. 2002. – 365 б.; Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-қисм). – Т.: “Мехнат”, 2000. – 347 б.; Абулқосимов Х.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Муфтайдинов Қ. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Дис... икт. фан. д-ри. – Т., 2004.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 274 б.; Ғофуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дисс... 08.00.13 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти; 08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари). – Т.: 2017.; Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2017. – 328 б.; С.Н.Усмонов ва бошқ. Тадбиркорлик асослари. “Фарғона” нашриёти, 2000 йил. – 304 б.; Ғофуров А., Абдурахмонова М. Кичик хўжалик юритувчи тадбиркорлик субъектларининг минтакавий ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари. “Фарғона” нашриёти, 2008. – 246 б.; Абдурахмонова М. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш. – Т.: “Фан ва технологиялар”, 2014. – 196 б.

салоҳиятининг иқтисодий натижадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазибалари:

иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодий мазмуни, моҳияти, вазибалари, ўзига хос белгилари ва таркиб топиш тамайилларини ёритиб бериш;

оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўналишларини аниқлаш ва уларни амалда қўллаш механизмини ишлаб чиқиш;

оилавий тадбиркорликнинг замонавий ҳамда самарали турларини аниқлаш, мамлакатимиз ҳудудларида оилавий тадбиркорлик фаолияти турлари ва ихтисослаштирилган маҳсулотларни диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оилавий тадбиркорнинг инновацион салоҳияти ва давлатнинг инновацион жараёнларда фаол қатнашиши омиллари асосида иқтисодий механизм ишлаб чиқиш;

оилавий тадбиркорликнинг истиқболда ривожланиши бўйича модель ишлаб чиқиш ва уларнинг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларни аниқлаш, ҳар бир омилнинг аҳамияти ва ўрнини белгилаш;

модернизациялаш шароитида оилавий тадбиркорлик натижадорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

оилавий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш механизмини ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Фарғона вилоятида фаолият кўрсатувчи оилавий тадбиркорлик корхоналари танланган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб оилавий тадбиркорлик корхоналари фаолияти ҳамда иқтисодий натижадорликни ошириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишида илмий абстракция, тизимли таҳлил, эксперт баҳолаш, синтез, таққослаш, статистик таҳлил, анкета сўровлари ўтказиш ва таҳлил қилиш, иқтисодий-математик моделлаштириш ва эконометрик таҳлил усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тадбиркорликни барқарор ва самарали ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида оилавий тадбиркорлик асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш механизми иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги илмий асосланган;

оилавий тадбиркорликнинг замонавий ва самарали турлари аниқланган, уларни амалда қўллаш бўйича оилавий тадбиркорнинг инновацион салоҳияти ва давлатнинг инновацион жараёнларда фаол қатнашиши омиллари асосида иқтисодий механизм ҳамда оилавий тадбиркорлик фаолиятининг турлари ва ихтисослаштирилган маҳсулотларини диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорлик соҳасини барқарор ривожлантиришга йуналтирилган маҳсулот ҳажми ва реализация даражасининг 2025 йилгача бўлган давр учун прогноз параметрлари ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорлик фаолияти натижадорлигини оширишнинг иқтисодиётни глобаллашуви шароитига мос бўлган йўналишлари ишлаб чиқилган ҳамда оилавий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш механизми соҳанинг ташкилий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари, уларни амалга оширишнинг асосий вазифалари, таъсир этувчи ички ва ташқи омиллари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилавий тадбиркорлик фаолиятида мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда оилавий тадбиркорликнинг иқтисодий натижадорлигини оширишнинг глобаллашув шароитидаги йўналишлари белгиланган ва уларни амалда қўллаш бўйича янги механизм ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорнинг инновацион салоҳияти ва давлатнинг инновацион жараёнларда фаол қатнашиши омиллари асосида иқтисодий механизм ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорликнинг замонавий ҳамда самарали ҳисобланган турлари белгиланган ва инновацион турлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорлик фаолиятида салоҳиятнинг иқтисодий натижадорлигини оширишга олиб боровчи ихтисослаштирилган маҳсулотларни диверсификациялаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

оилавий тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш механизми соҳанинг ички ва ташқи омиллари асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида қўлланилган илмий-услубий ёндашув ва механизмларнинг тадқиқот мақсади билан мослиги, эконометрик ва математик усулларнинг илмий асосланганлиги, таҳлил учун олинган маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва бошқа расмий манбалардан олинганлиги, ўтказилган сўровномаларнинг кенг қамровдаги респондентлар доирасида ўтказилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмига ўзини-ўзи иш билан банд қилиш имконини бериши, маҳаллий минерал ресурслардан ҳамда хом ашёлардан аҳоли ва иқтисодиёт эҳтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини назарда тутиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, оилавий тадбиркорлик фаолиятини кенг миқёсда қўллаш, уларда ишлаб чиқариш жараёнларини узлуксиз ва тизимли ташкил этиш, иқтисодий ресурслардан фойдаланишда ташкилий-иқтисодий ва технологик жараёнларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Бу 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига ва иқтисодиётни ривожлантиришнинг 2021 йилга мўлжалланган дастуридаги устувор йўналишларига тўла мос келади. Диссертация ишида олинган илмий-тадқиқот натижаларини оилавий

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларда қўллаш уларнинг иқтисодий натижадорлигини оширишга ва маҳаллий хом ашёлардан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иқтисодиётни юксалтиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолияти салоҳиятининг иқтисодий натижадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ҳозирги шароитда оилавий тадбиркорликнинг самарали турларини аниқлаш ва уларни амалда қўллаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Фарғона вилоятидаги оилавий тадбиркорлик фаолияти субъектларида жорий этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги №11/03-15-6781-сонли маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 24 августдаги №02/06-02-10/10-358-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий этилиши оилавий тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг янги турларини яратишга ва бунинг натижасида улар фаолиятининг янада самарали бўлишига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизматларнинг ортишига олиб келган;

тадқиқотда ишлаб чиқилган турли ҳудудларда амалга оширилаётган оилавий тадбиркорлик фаолияти ва ихтисослаштирилган маҳсулотларини диверсификациялаш таклифи Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Фарғона вилоят тадбиркорлар уюшмаси фаолиятига татбиқ этилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги №11/03-15-6781-сонли маълумотномаси). Натижада вилоятнинг турли ҳудудларида маҳаллий хом ашёлардан кенг истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича дастур яратилган. Ушбу дастур асосида турли ҳудудларда оилавий тадбиркорлик фаолияти ташкил этилиши ва улар учун зарур тавсиялар ишлаб чиқилиши кўзда тутилган;

Фарғона вилояти ҳудудларида оилавий тадбиркорликнинг истиқболдаги ҳолати бўйича ишлаб чиқилган модель вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг истиқболли дастурида қўллаш учун қабул қилинган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги №11/03-15-6781-сонли маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг 2021 йил 24 августдаги №02/06-02-10/10-358-сонли маълумотномаси). Ушбу илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг сони ўтган йилга нисбатан 1361 нафарни, ЯХМ даги улуши 67,9 фоизни ташкил этди ва улар сони ҳар 1000 аҳолига 15,6 бирликдан тўғри келган. Оилавий тадбиркорлик субъектларининг сони ўтган йилга нисбатан 800 нафарга, ЯХМ даги улуши

2,1 фоизга, иш билан банд бўлганларнинг улуши 2,2 фоизга ортишига эришилган.

Диссертацияда ишлаб чиқилган оилавий тадбиркорлик самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари вилоятдаги оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига жорий этилган ва натижада улар салоҳиятининг иқтисодий натижадорлиги ортишига эришилган (Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг 2021 йил 12 августдаги №11/03-15-6781-сонли маълумотномаси). Мазкур илмий янгиликнинг амалиётга жорий этилиши натижасида Фарғона вилояти ЯХМ да оилавий тадбиркорликнинг улуши 0,3 фоизга, иш билан банд бўлганлардаги улуши 0,3 фоизга, экспортдаги улуши 0,4 фоизга, оилавий тадбиркорлик субъектлари самарадорлиги ўртача 0,5 фоизга ортган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари ифодаланган 22 та иш апробациядан ўтказилган. Уларнинг 8 таси халқаро илмий-амалий анжуманларда, 14 таси республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган ишлардир.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш эълон қилинган. Уларнинг 22 таси республика ва халқаро илмий-амалий анжуманлари материаллари тўпламларида, 8 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда, жумладан, 4 таси республика журналларида ва 4 таси хорижий журналларда, диссертация мавзуси бўйича 1 та ўқув-услубий қўлланма нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 139 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида ўтказилган тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалар белгиланган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертация ишининг «**Оилавий тадбиркорликнинг моҳияти, вазифалари ва назарий ҳамда амалий асослари**» деб номланган биринчи бобида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тадбиркорлик фаолияти, унинг вазифалари, аҳамияти ва афзалликлари атрофлича ўрганилган, назарий асослари таҳлил қилинган ҳамда ижобий натижалари белгиланган. Оилавий тадбиркорлик фаолиятининг назарий ва услубий асосларини тўла ёртишга

ҳаракат қилинган. Оилавий тадбиркорликнинг ҳуқуқий-ташқилий жиҳатлари, янгиланаётган Ўзбекистон шароитида уларни ривожлантириш йўллари, хорижий мамлакатлардаги ривожланиш тажрибалари ҳамда улардан мамлакатимизда фойдаланиш масалалари ўрганилган.

Тараққиётнинг замонавий даражасида дунёнинг кўплаб мамлакатларида, жумладан, шарқ ва ғарбдаги иқтисодиёти ривожланган давлатларда тадбиркорлик фаолияти жадал суръатларда ривожланмоқда. Аксарият Ғарбий Европа мамлакатларининг ялпи миллий маҳсулотида тадбиркорлик субъектларининг улуши 60-65 фоизни ташкил этмоқда. Ривожланган мамлакатлар аҳолисининг 70 фоизидан ортиқроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларида фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик тушунчасига кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар таъриф беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, И.Шумпетер тадбиркорликка шундай таъриф беради:

«Тадбиркорлик фаолияти мансаб ҳам эмас, касб ҳам эмас, у таваккал қилиш асосида бозорга инновацияларни олиб кирувчи ўзига хос қобилиятдир»⁷. И.Шумпетер тадбиркорликни инновацион фаолият билан ҳамда таваккалчилик билан боғлайди. Тадбиркорда яратувчанлик фаолияти бўлишини таъкидлайди. Бозорда фаолият кўрсатиш ва унда ўз хиссасини сақлаб қолиш ҳамда орттириш учун тадбиркорлар истеъмомчи эҳтиёжлари йўлида тинимсиз ҳаракат қилишлари, янгиликларни яратишлари ва ишлаб чиқаришга жорий этиб боришлари талаб этилади.

Тадбиркорликнинг энциклопедик луғатида эса тадбиркорлик тушунчасига шундай таъриф берилади:

«Тадбиркорлик – бу ўз номидан, ўз мулкий жавобгарлиги доирасида ёки юридик шахс номидан ва юридик масъулият, жавобгарлик асосида фойда ёки шахсий даромад олишни мақсад қилиб амалга ошириладиган мустақил фаолият туридир»⁸.

Юқоридаги таърифлар ва тушунчаларни умумлаштирган ҳолда тадбиркорлик тушунчасига қуйидагича таъриф бердик:

Тадбиркорлик – ўзи эгалик қиладиган мулк ва ресурслар доирасида турли хатарлар, рақобат ва ноаниқликлар бўлишига қарамасдан бозор эҳтиёжларини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдириш ҳамда қондиришга олиб боровчи алоҳида ўзига хос иқтисодий фаолият туридир. Бундай фаолият натижасида тадбиркор томонидан фойда олинади ёки зарар кўрилиши мумкин.

Тадбиркорлик–фуқароларнинг ноаниқлик шароитида ўз таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари доирасида фаолият кўрсатиб, ҳудудлар ривожланиши ва аҳоли эҳтиёжларини қондириш воситасида фойда олишга йўналтирилган мустақил фаолиятларидир. Улар ўз мулкларини, воситаларни маълум даражада хатарли, оқибати номаълум

⁷ Шумпетер И. Теория экономического развития: исследования предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры. – Москва: Прогресс, 1982.

⁸ Тадбиркорликнинг энциклопедик луғати. (тузувчи: С.М.Синельников ва бошқалар). СПб. «Алта-фонд», «Аякс», 2004.

бўлган ҳамда таваккалчиликка асосланган ҳолда фаолиятга сарфлайдилар ва фойда олишни кўзлайдилар. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши иқтисодий муваффақиятга эришишда юқори даражада таъсир кучига эга бўлиб, ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларини таъминлайди. Тадбиркорлик фаолияти мамлакат иқтисодиётининг инновацион тарзда ривожланишининг асоси ҳисобланади.

Тадбиркорликнинг муҳим шаклларида бири – оилавий тадбиркорликдир. Оилавий тадбиркорлик фаолияти кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Льюис-Генри Морган, Е.В.Коновалова, М.Вебер, Т.Ю.Назарова, Л.А.Барковалар⁹ оилавий тадбиркорлик йўналишида кўплаб тадқиқотлар олиб борганлар. Л.А.Баркованинг фикрича, оилавий тадбиркорлик қадимги жамиятнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талабнинг ортиши билан боғлиқдир¹⁰.

Бугунги кунда ҳам оилавий тадбиркорлик фаолиятига катта аҳамият қаратилмоқда ва турлича талқин этилмоқда. Айрим тадқиқотчилар оилавий тадбиркорликни «мулк ва бошқарув оила аъзоларига тегишли бўлган ва уларнинг бир қисми фаолият олиб бораётган ҳар қандай корхонадир»¹¹ деб таърифлайдилар. Иккинчи гуруҳ тадқиқотчилар эса бу тушунчага оилавий тадбиркорлик мулкдан фойдаланишга асосланган оила аъзолари ва унинг қариндошларининг мақсадга мувофиқ фаолияти бўлиб, мулк уларга тегишли бўлади ва уларнинг бир қисми шу корхонада фаолият олиб борадилар. Уларнинг фаолияти маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳамда хизматлар кўрсатишни йўлга қўйиш асосида жамиятнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган бўлади. Улар ўз фаолиятларида истеъмолчиларнинг ўзгариб турган талабларини инобатга олиб борадилар ва инновацион изланишлар асосида талабни қондирадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарадилар ва хизматларни яратадилар¹², дея изоҳ берадилар. Оилавий тадбиркорлик фаолиятида нафақат ҳозирги вақтда бизнесни юритиш, балки уни келажак авлодга қолдириш ҳам муҳим ҳисобланади. Халқаро молиявий корпорациянинг (IFC) оилавий тадбиркорлик тушунчасида мана шу жиҳатга эътибор қаратилиб, оилавий тадбиркорликни оила аъзолари томонидан келажак авлодларга етказиш муҳимлиги таъкидланади. Унда акцияларнинг катта қисми оила аъзоларига тегишли бўлади ва у авлоддан авлодга

⁹ Морган Л.Г. Древнее общество или исследование линий человеческого прогресса от дикости через варварство к цивилизации // пер.с англ. – Л.: Изд-во Института народов Севера ЦИК, 1035. Коновалова Е.В. Экономическая история семьи // Вестник КГУ им. Н.А.Некрасова. 2011, № 4. с.142. Вебер М.Протестантская этика и дух капитализма. URL.:http://www.gumer.info/bibliotek_Buks/Sociolog/Veb_PrEt/. Назарова Т.Ю. Семейное предпринимательство в Российской Федерации: направления развития: дисс... канд. экон. наук. Тамбов, 2008.с.12. Баркова Л.А. Эволюция семейного предпринимательства как объекта правового регулирования. // Вестник ТвГУ. Серия «Право». 2013. Выпуск 35. с.170-179.

¹⁰ Баркова Л.А. Эволюция семейного предпринимательства как объекта правового регулирования. Вестник ТвГУ. Серия «Право». 2013. Выпуск 35. с.170-179//.

¹¹ Назарова Т.Ю. Семейное предпринимательство в Российской Федерации: направления развития: диссертация. Канд.экон.наук. Тамбов, 2008.с.130.

¹² Баранец Н.И. Семейное предпринимательство как социально-экономическая проблема / Ученые записки. 2007.,с.128-129.

ўтказилиши¹³ таъкидланади. Бизнинг фикримизча, оилавий тадбиркорлик фаолияти моҳиятига кўра оила аъзоларига тегишли бўлади ва унинг таърифида бу фаолиятнинг авлоддан авлодга ўтишини алоҳида таъкидлаш шарт эмас.

Бугунги кунда дунё мамлакатларида камбағалликни қисқартириш асосий муаммолардан бири бўлиб турган шароитда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш катта имконият ҳисобланади. Оилавий тадбиркорлик бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борган Т.Ю.Назарова фикрича ҳам «оилавий тадбиркорликда оиланинг барча аъзолари бир-бирларига ёрдам кўрсатадилар, оила муваффақиятини таъминлашга ҳаракат қиладилар»¹⁴.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятига алоҳида эътибор берилишига қарамасдан, ушбу соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Ушбу йўналишдаги ишлар янада жадал ривожланиши учун оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва бошқарув тизимини ҳозирги давр талаблари даражасига олиб чиқиш зарур.

Оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, иқтисодиёт ривожланишидаги аҳамияти ва ролини орттириб бориш учун маркетинг ишларини тўғри ташкил этиш, унинг мавжуд қонун-қоидалари, усул ва услублари ҳамда стратегияларидан самарали фойдаланиш лозим.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш масаласига таъсир кўрсатувчи қатор муаммолар мавжуд бўлиб, уларни аниқлаш ва самарали ҳал қилиш оилавий тадбиркорликнинг янада тараққий этишига олиб келади. Улар қаторида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- оила чегарасини аниқлаш;
- иш ва оила ўртасидаги балансни аниқлаш;
- бошқаришда мулк эгасининг ўрнини белгилаш;
- бошқаришда оила аъзоларининг ўрни ва даражасини белгилаш;
- оилавий тадбиркорликда қарор қабул қилиш тартибини мақсадли ташкил этишни таъминлаш;
- меросхўрларни тайёрлаш ва бошқарувни уларга топшириш.

Оилавий тадбиркорлик фаолиятида иш билан боғлиқ ва оилавий муносабатлар ўртасидаги чегарани аниқлаш муҳим саналади. Агар оила аъзоларининг кўпчилиги бир бизнес фаолиятида қатнашсалар, оилада ҳамда иш жараёнида фаолият билан боғлиқ турли муаммоларни биргаликда ҳал қилиш эҳтимоллари юқоридир. Оилавий муносабатлар ва иш билан боғлиқ бўлган муносабатлар ўртасида, табиийки, муайян фарқ мавжуд. Оилавий муносабатлар эмоционал бўлиб, улар оила аъзоларининг эҳтиёжларига, ҳаққонийликка ва тенгликка асосланган бўлади. Иш билан боғлиқ муносабатлар эса рационал бўлиб, натижадорликка, ҳиссани баҳолашга, ўсишга ва кенгайтиришга асосланган бўлади. Бу муносабатлар ўртасига чегара қўйиш жуда мураккаб бўлиб, унда келишмовчиликлар ва низолар юз

¹³ Руководство IFC по управлению семейными компаниями. URL: www.fon-i.org.

¹⁴ Назарова Т.Ю. Семейное предпринимательство в Российской Федерации: направления развития: Дисс... канд.экон.наук. Тамбов, 2008.с.130.

бериш эҳтимоли жуда юқори. Келишмовчилик ва низолар турмуш ўртоқлар, ота-оналар ва фарзандлар, ака-ука, опа-сингиллар билан юз бериши мумкин. Аниқ чегараларнинг йўқлиги оилавий муносабатлар ҳамда иш билан боғлиқ муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлади ва бу ҳолат салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади.

Оилавий тадбиркорликни бошқаришда оила аъзоларининг ўрни масаласи ҳам муҳим муаммолардан биридир. Баъзан оила аъзолари расмий даражага эга бўлмасдан туриб ҳам бошқарув фаолиятига аралашадилар. Бу эса самарадорлик пасайишига ҳамда бизнеснинг бошқа аъзоларида иш фаолиятидан қониқиш даражасининг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Ривожланган мамлакатларда оилавий тадбиркорлик фаолияти корхоналари ялпи миллий даромаднинг асосий қисмини таъминламоқда. Оилавий тадбиркорликни тузилиши ва ҳажми бўйича иккита йирик гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчиси – фақатгина оила аъзолари ва уларнинг қариндошлари фаолият юритадиган кичик ҳажмли корхоналардир. Уларда 10-15 кишигача ишчилар фаолият олиб боради. Оилавий корхоналарнинг иккинчи тури бир неча оилалар иштирокида тузилиши мумкин бўлган корхоналардир. Уларда оилавий муносабатлар иш бўйича муносабатларга айланади, ваколат бериш жараёни мавжуд, меҳнат тақсимооти амал қилади.

Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва аҳоли даромадларининг юқори даражасини таъминлашда жиддий муваффақиятларга эришган хорижий мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси шундан далолат берадики, оила тадбиркорлигига қаратилган ташаббус нафақат бандликни таъминлаш, балки даромадларни текис тақсимлаш, шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг барқарор омиллари сифатини оширишда тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда.

Диссертация ишининг **«Оилавий тадбиркорлик салоҳиятининг имкониятлари ва ҳудудий хусусиятлари»** деб номланган иккинчи бобда Фарғона вилояти ялпи ҳудудий маҳсулотини ишлаб чиқаришда тадбиркорлик фаолиятининг салоҳияти аниқланган, оилавий тадбиркорлик фаолиятининг ҳудудлардаги турлари ва ихтисослаштирилган маҳсулотларини диверсификациялаш йўллари белгиланган, оилавий тадбиркорликнинг истиқболдаги ҳолати прогнозлаш асосида таҳлил қилинган ва ҳудуд иқтисодиётига таъсири баҳоланган.

Фарғона вилояти аҳоли сони бўйича мамлакатимиз аҳолисининг 11,1 фоизини, иқтисодиётда бандлар сони бўйича 11,0 фоизни ташкил этади ва бугунги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6,3 фоизини етказиб бермоқда. Фарғона вилоятида 2016 йили жами 23284 та кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг 22398 таси ўз фаолиятини давом эттирган. 2020 йилда эса вилоятда 37199 та кичик бизнес субъектлари рўйхатдан ўтган бўлиб, ҳозирда уларнинг 36117 таси фаолият олиб бормоқда.

2020 йил давомида мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 53,9 фоиз, Фарғона вилояти ЯХМ даги улуши 67,9 фоиз бўлди. Кичик бизнес ва тадбиркорлик

субъектларининг сони ҳар 1000 аҳолига 15,6 бирликни ташкил этди. 2020 йил давомида мамлакатимизда 93200 таянги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилди.

Диссертацияда тадбиркорликнинг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган оилавий корхоналар таҳлил қилинди. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган «Садихоновлар» оилавий корхонасининг (1-жадвал) 2017 йилдаги ишлаб чиқариш ҳажмини 1 бирликка тенг деб олсак, бу бирлик 2018 йилда 2,7 га, 2019 йилда 4,04 га ва 2020 йилда 4,4 га тенг бўлди, яъни ишлаб чиқариш ҳажми 2,7-4,4 бирликка ўсди. Бу йиллар давомида корхонанинг ўз маблағлари манбалари ҳам ортиб борди. 2018-2020 йилларда корхонанинг ўз маблағлари манбалари мос равишда 1,77; 2,66 ва 3,35 га ўзгарди. Оилавий корхонада соф фойданинг ўзгариши ҳам ижобий тарзда бўлди, фақат 2020 йилга келиб нисбатан пасайиш кузатилмоқда. Буни шу йили юзага келган пандемия шароити билан изоҳлаш мумкин. Корхонада меҳнат унумдорлиги ортиб бориши ҳисобига фаолият юритаётган ходимлар сонидан пасайиш кузатилди. 2020 йилда 2017 йилдагига қараганда 55,0 фоиз ходимлар қисқариши кузатилмоқда. Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, «Садихоновлар» оилавий корхонаси жадал ривожланиш стратегиясидан фойдаланмаяпти ва фаолият турларини диверсификациялаш устида иш олиб бормаяпти. Шу сабабли корхона юқори суръатда ривожланиш ўрнига, аста-секинлик билан фаолият олиб бормоқда.

1-жадвал

«Садихоновлар» оилавий тадбиркорлик корхонасининг 2017-2020 йиллардаги фаолияти таҳлили¹⁵

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017йил	2018йил	2019йил	2020йил	2020 йилда 2017 йилга нисбатан,%
1.	Ишлаб чиқариш ҳажми	минг сўм	209741,0	565276,0	848000,0	916000,0	436,7
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>2,7</i>	<i>4,04</i>	<i>4,37</i>	<i>-</i>
2.	Товар-моддий захиралари	минг сўм	38691,0	58223,0	77758,0	186974,0	483,0
3.	Пул маблағлари	минг сўм	30048,0	97840,0	185712,0	163456,0	544,0
4.	Ўз маблағлари манбалари	минг сўм	19260,0	34130,0	51370,0	64533,0	335,0
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>1,77</i>	<i>2,66</i>	<i>3,35</i>	<i>-</i>
5.	Банк кредитлари	минг сўм	13587,0	1399,0	7908,0	30271,0	223,0
6.	Даромадлар	минг сўм	209741,0	565276,0	848000,0	916000,0	437,0
7.	Харажатлар	минг сўм	168841,0	484417,0	755119,0	807173,0	478,0
8.	Ялпи фойда	минг сўм	40900,0	80859,0	92881,0	108827,0	266,0
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>1,97</i>	<i>2,27</i>	<i>2,66</i>	<i>-</i>
9.	Соф фойда	минг сўм	7610,0	14870,0	17240,0	13163,0	173
10.	Ходимлар сони	киши	11	12	6	6	55,0

Вилоятда ташкил этилган оилавий тадбиркорлик корхоналарининг катта қисми умумий овқатланиш соҳасига тегишлидир. Шу сабабли бу соҳага

¹⁵ Корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

тегишли бўлган «QUVASOY BUSINESS STAR» оилавий корхонаси фаолиятини ҳам шундай таҳлил қилдик. «QUVASOY BUSINESS STAR» оилавий корхонаси 2014 йил апрель ойидан буён фаолият юритиб келмоқда (2-жадвал). Оилавий корхона ўз фаолиятини жуда яхши бошлади, аммо аста-секин фаолият даражаси пасайиб борди. Корхона хизмат кўрсатиш ҳажмини 2018 йилгача пасайтириб борган, бунинг натижасида олинган соф фойда ҳам камайиб кетган. 2019 йилдан бошлаб эса корхона фаолияти жонланган ва ривожланиш суръатларига эришилган. Хизмат кўрсатиш ҳажми 2020 йили 99650,0 минг сўмга етди ва 2017 йилги даражанинг 1,82 қисмини ташкил этди. Соф фойда 2017 йилги даражанинг 2,7 қисмига тенг бўлди. Пандемия шароитига қарамадан корхонада ривожланиш суръатлари қайд этилган.

2-жадвал

«QUVASOY BUSINESS STAR» оилавий корхонасининг 2017-2020 йиллардаги фаолияти таҳлили¹⁶

т/р	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2017йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2017 йилга нисбатан,%
1.	Хизмат кўрсатиш ҳажми	минг сўм	54500,0	20885,0	69234,0	99650,0	183,0
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>0,38</i>	<i>1,3</i>	<i>1,82</i>	<i>-</i>
2.	Товар-моддий захиралари	минг сўм	12425,0	15135,0	18640,0	22631,0	182,0
3.	Пул маблағлари	минг сўм	391,0	2995,0	31,0	690,0	176,0
4.	Ўз маблағлари манбалари	минг сўм	80849,0	318828,0	321293,0	325307,0	402,0
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>3,9</i>	<i>4,0</i>	<i>4,02</i>	<i>-</i>
5.	Банк кредитлари	минг сўм	16915,0	26831,0	43234,0	43266,0	256,0
6.	Даромадлар	минг сўм	54500,0	20885,0	69234,0	99650,0	183,0
7.	Харажатлар	минг сўм	35425,0	12531,0	38079,0	59790,0	169,0
8.	Ялпи фойда	минг сўм	19075,0	8354,0	31155,0	39860,0	209,0
9.	Соф фойда	минг сўм	1350,0	2150,0	1765,0	3600,0	267,0
	<i>Ўзгариш индекси</i>	<i>коэфф.</i>	<i>1</i>	<i>1,6</i>	<i>1,3</i>	<i>2,7</i>	<i>-</i>
10.	Ходимлар сони	киши	5	4	5	2	40,0

Таҳлил амалга оширилган ушбу корхоналарнинг барчасида ўзига хос бўлган хусусиятлар билан бир қаторда умумийлик жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, бу умумийлик уларни оилавий тадбиркорлик фаолиятига яратилган имтиёزلарни тўла тушунмаслик, мавжуд иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланмаслик ва меҳнатни ташкил этиш жараёнидаги камчиликларда намоён бўлади. Уларнинг ҳар иккисининг фаолиятларидаги муаммолари деярли бир хил ечимни - бозор ва унинг қонунларини яхши билиш, ўз ҳаракатларини бозордаги ўзгаришларга мувофиқлаштириш, ихтисослаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда бу йўналишда фаолиятни диверсификациялашни талаб этади.

2020 йилда Фарғона вилояти бўйича 5337 та ташкил этилган оилавий корхоналарнинг 5134 таси ёки 96 фоизи ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

¹⁶ Корхонанинг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

203 та оилавий корхона ёки жами оилавий корхоналарнинг 4 фоизи ўз фаолиятини тўхтатди. Бунинг сабабларини таҳлил қилганимизда, уларда ресурслар тақчиллиги ҳамда маҳсулот сотишдаги қийинчиликлар эканлиги маълум бўлди. Оилавий корхоналарда иқтисодиёт ва бизнес соҳасидаги маълумотлар етарли эмаслиги, маркетинг фаолияти керакли даражада ташкил этилмаганлиги натижасида зарурий миқдордаги фойда олишга эришилмади. Ушбу масалалар бўйича ижобий натижаларга эришиш учун оилавий тадбиркорлик субъектлари ташкилотчиларининг билим, кўникма ва тажрибалари етарли бўлиши талаб этилади. Оилавий корхоналар кўпроқ Риштон, Олтиарик, Учкўприк, Бувайда ва Бағдод туманларида ташкил этилган бўлса, Ёзёвон, Сўх, Қўштепа ва Фарғона туманларида эса улар сони жуда кам ташкил этилган.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ҳамда ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳаларида оилавий корхоналар жуда кам ташкил этилган. Тадбиркорлик фаолияти юритишнинг замонавий шакллари бўйича иш олиб бораётган оилавий корхоналар сони жуда камчиликни ташкил этади. Масалан, интеллектуал хизматлар кўрсатиш, таълим, телекоммуникация соҳаларида оилавий корхоналар жуда кам ташкил этилган. Аҳоли ўртасида оилавий корхона тузишнинг афзалликлари ва самараси тўғрисида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилиши, ушбу соҳалар ва тармоқларда кўплаб оилавий корхоналарнинг ташкил этилишига олиб келади. Натижада аҳолининг катта қисми ўзини-ўзи банд қилишига эришилади ва қўшимча иш жойлари билан таъминланади.

Оилавий тадбиркорлик истиқболда ривожланиб боради. Унинг истиқболдаги ҳолатини прогнозлаш ва ҳудуд иқтисодиётига таъсирини баҳолаш мақсадида модель ишлаб чиқилди. Қуйида кўрсаткичларни математик моделлаштириш асосида таҳлил қилинди (3-жадвал).

3-жадвал

Кичик квадрат усулида боғланиш коэффициентларини аниқлаш

T/p	Боғланиш тенгламаси	Кичик квадратлар усулида чизикли боғланиш коэффициентларни аниқловчи тенгламалар системаси
1.	$y=a+bx$	$an+b\sum x=\sum y; a\sum x+b\sum x^2=\sum(xy)$

Юқоридаги назариядан фойдаланиб, қуйидаги келтирилган жадвалдаги боғланишларни йиллик статистик боғланишларининг чизикли корреляцион функциялари аниқланди. Бунда 3 турдаги соҳа кўриб чиқилди (4-жадвал).


4-жадвал

Фарғона вилоятида 2017-2020 йилларда иқтисодий фаолият турлари бўйича ташкил этилган кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг кўрсаткичлар юқори бўлган соҳалари


№	Йиллар	2017	2018	2019	2020
1.	Саноат (минг)	5,37	6,26	7,67	9,55
2.	Қурилиш (минг)	2,04	2,45	2,88	3,33
3.	Савдо (минг)	5,55	6,3	9,21	12,72

Тенгламалар системаси ёрдамида Excel дастуридан фойдаланиб, куйидаги тренд ўсиш чизиқлари аниқланди ва графиклар ҳосил қилинди.

$F_{\text{саноат}}=2,440T - 4918$, $F_{\text{қурилиш}}=1,394T - 2808$, $F_{\text{савдо}}=0,429T - 863,2$ (1-расм). Шу билан бирга тренд коэффициентларининг диаграммаси кўрсатиб ўтилди (2-расм)¹⁷.



1-расм. Тренд ўсиш чизиқларини аниқлаш



2-расм. Тренд коэффициентлари

Юқоридаги мулоҳаза ва таҳлиллардан кўриниб турибдики, кичик бизнесда саноат ишлаб чиқаришига урғу бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, яъни иқтисодиёт ривожланиши учун, авваламбор, саноат соҳаси жадал суръатларда ривожланиши зарур.

Оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган «Садихоновлар» ва «QUVASOY BUSINESS STAR» оилавий тадбиркорлик корхоналари иқтисодий натижалари таҳлил қилинди. Бунда иқтисодий кўрсаткичлар таркибидан асосий 5 та турини танлаб олинди ва куйидаги жадваллар ишлаб чиқилди (5-жадвал)¹⁸:


5-жадвал

«Садихоновлар» оилавий корхонасининг 2017-2020 йиллардаги фаолияти

№	Йиллар		2017	2018	2019	2020
1.	Ялпи фойда	млн. сўм	40,9	80,9	92,9	108,8
2.	Товар-моддий захиралари	млн. сўм	38,7	58,2	77,8	187,0
3.	Ўз маблағлари	млн. сўм	19,3	34,1	51,4	64,6
4.	Банк кредитлари	млн. сўм	13,6	1,39	7,9	30,2
5.	Харажатлар	10 млн. сўм	16,9	48,4	75,5	80,7

¹⁷ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.

¹⁸ Муаллиф тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган.




А – товар-моддий захиралари;
 В – ялпи фойда;
 С – харажатлар;
 D – ўз маблағлари;
 E – банк кредитлари.

3-расм. «Садихоновлар» оилавий корхонаси кўрсаткичлари динамикаси

6-жадвал

«QUVASOY DUSINES STAR» оилавий корхонасининг 2017-2020 йиллардаги фаолияти

№	Йиллар		2017	2018	2019	2020
1.	Ялпи фойда	млн. сўм	19,1	8,4	31,2	39,9
2.	Товар-моддий захиралари	млн. сўм	12,4	15,1	18,6	22,6
3.	Ўз маблағлари	10 млн. сўм	8,08	31,9	32,1	32,5
4.	Банк кредитлари	млн. сўм	16,9	26,8	43,2	43,3
5.	Харажатлар	млн. сўм	35,4	12,5	38,1	59,8



А – харажатлар;
 В – банк кредитлари;
 С – ялпи фойда;
 D – ўз маблағлари;
 E – товар-моддий захиралари;

4-расм. «QUVASOY BUSINESS STAR» оилавий корхонаси кўрсаткичлари динамикаси

5- ва 6-жадваллардан фойдаланиб, соф фойдани оширишга қаратилган асосий омилларни аниқлаш мақсадида омилли масала режаси шакллантирилди.

Таъсир қилувчи омилларни номаълум X_1 , X_2 , X_3 ҳолатида белгилаб, қуйидагича ифодалаб олинди:

Бу ерда: ялпи фойда – Y ; товар-моддий захиралари– X_1 ; ўз маблағлари ва банк кредитлари– X_2 ; харажатлар – X_3

7-жадвал

«Садихоновлар» оилавий корхонаси учун (млн.сўм)

№	Йиллар		2018	2020
	Ялпи фойда	Y	80,9	108,8
1.	Товар-моддий захиралари	x_1	58,2	187,0
2.	Ўз маблағлари ва банк кредитлари	x_2	35,5	94,8
3.	Харажатлар	x_3	484,4	807,2

8-жадвал

«QUVASOY BUSINES STAR» оилавий корхонаси (млн.сўм)

№	Йиллар		2018	2020
	Ялпи фойда	Y	8,4	39,9
1.	Товар-моддий захиралари	x1	15,1	22,6
2.	Ўз маблағлари ва банк кредитлари	x2	345,7	368,6
3.	Харажатлар	x3	12,5	59,8

Омилли масала тузишда қуйидаги назариядан фойдаланилди:

9-жадвал

Омилли масала режаси

№	Омилли кўрсаткичлар	Минимум харажат	Максимум харажат	Ялпи фойда
1.	Товар-моддий захиралари	X_{1min}	X_{1max}	X_n
2.	Ўз маблағлари ва банк кредитлари	X_{2min}	X_{2max}	X_n
3.	Харажатлар	X_{3min}	X_{3max}	X_n

